

PERSONALIA

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ МУБОРАК, УСТОЗ! Ж.Ж. Жалолов — 80 ёшда



Жалоловдир.

Дунёда касблар кўп. Уларнинг ҳар бирини инсон камолотида ўз ўрни ва аҳамияти бор. Айниқса, бу касбларнинг ичидаги ўқитувчиликнинг ўрни алоҳида. Ўқитувчиларнинг зиммасида жамият учун барча касб эгаларига таълим-тарбия беришдек машақкатли ва масъулиятли вазифа туради. Ана шундай улкан маъсуллиятли, шу билан бирга шарафли вазифани 50 йилдан ортиқ давр мобайнида аъло даражада адо этиб келаётган устозларимиздан бири, педагогика фанлари доктори, профессор Жамол Жалолович

Устознинг педагогик фаолиятига назар ташлар эканмиз, ўтган 50 йилдан ортиқ давр унинг учун ғоят мураккаб ва сермазмун ўтганига гувоҳ бўламиз.

Ж.Жалолов оддий дехқон оиласидан чиқсан. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгандан кейин, пойтахтга келиб, ҳужжатларини Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтига топширди ва уни имтиёзли тамомлади. Шундан кейин бошланган педагогик фаолияти ҳамон давом этади.

Ўтган йиллар мобайнида профессор Ж.Жалолов Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқот институтининг хорижий тилларни ўқитиш методикаси сектори (ЎзПФИТИ) раҳбари бўлиб ишлади. 1975 йилдан бошлаб Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида (ТДЧТПИ), кейинчалик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида кафедра мудири лавозимида ишлади. Орада бир муддат ҳарбий таржимон сифатида ҳам фаолият олиб борди. Шунда ҳам доимий равишда асосий эътиборни хорижий тилни ўқитишнинг назарий аспектларини тадқиқ қилишга қаратди. Унинг ҳосиласи ўлароқ, узоқ йиллар хорижий тилни ўқитиш методикасидан талабаларга, магистрантларга инглиз, рус, ўзбек, тожик тилларида сабоқ берди. Шу билан бирга илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчиларга раҳбарлик қилди. Ж.Жалолов устозлик шоҳсупасининг биринчи поғонасида туриши билан барчамизга ўrnak bўlmoқда.

Ж.Жалолов педагогик фаолияти билан бирга доимо изланувчан олим сифатида ҳам ҳамкасб ва шогирдларига ибрат қўрсатиб келади. Ўтган йиллар давомида устознинг 50дан зиёд дарслик, ўқув қўлланма, монография, www.journal.fledu.uz

луғатлари чоп этилди, матбуотда ва соҳага оид илмий нашрларда 500дан ортиқ илмий мақолалари миллий ва халқаро миқёсда эълон қилинди. Буларнинг барчаси устозни дунёга танитди, шон-шуҳрат келтирди. Қолаверса, устоз бошчилигига Ўзбекистонда лингводидактика – тил таълими назарияси ва амалиёти масалалари билан шуғуналувчи мактаб яратилди. Бу мактаб мутахассислари профессор Ж.Ж.Жалолов бошчилигига хорижий тилни ўқитишнинг замонавий методикаси устида изланишлар олиб бормоқдалар.

Устоз дунё таниган ва тан олган олимлардан биридир. У бир қанча хорижий мамлакатларда, хусусан, Россия, АҚШ, Германия сингари давлатларда бўлиб, соҳа мутахассисларининг илмий изланишлари, яратган асарларини яқиндан ўрганиб, илғор тажрибаларни ижодий ўзлаштиришга интилади. Шунингдек, ўзи ҳам мамлакатимиз тилшунослигига бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитишнинг ютуқ ва камчиликларини танқидий ўрганиш ва аниқ кўрсатмалар асосида баратараф этишга нисбатан жиддий ёндашади. Шу нуқтаи назардан Ж.Жалолов Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда чет тилни ўқитиш методикаси тарихи, бугуни ва келажаги бўйича билимдонлардан бири сифатида танилган. Хорижий тилни ўргатиш билан боғлиқ қаерда бирор-бир илмий анжуман, симпозиум, учрашув ёки тренинг бўлса, албатта ўз маъruzasi, долзарб илмий фаразлари билан қатнашади. Устоз раҳбарлигига лингводидактика мактаби вакиллари хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб ва ечимини кутаётган муаммолари устида изланишлар олиб бориб, кўплаб ютуқларга эришмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида Ж.Жалолов раҳбарлигига:

- машқлар тизими ишлаб чиқилди;
- тил материалини танлаш ва таснифлаш назарияси ва амалиёти тадқиқ этилди;
- хорижий тил таълими мазмуни, унинг компонентларини танлаш ва тақсимлаш мезонлари назарий ва амалий асослаб берилди;
- чет тилни ўзлаштириш бўйича аниқланган қийинчиликлар типологияси яратилди;
- методик терминларнинг изоҳли ассоциатив этимологик луғати тузилди.

Олимнинг 1996 йили чоп этилган (2012 йили қайта нашрдан чиқди) “Чет тил ўқитиш методикаси” дарслиги пухта ёзилган лингводидактик асар сифатида тан олинган.

Ушбу дарслиқдан бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. Бу китоб 2015 йили яна тўлдирилди ва

инглиз тилига ўгирилиб, асосий ўқув адабиёти сифатида ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Кўплаб мукофотлар – бир қанча орден ва медаллар соҳиби, халқ ва жамият олдидаги инсоний ва фуқаролик бурчига содик, бой илмий ва ҳаётий тажрибасини касбдошлари ва ёшларга ўргатаётган, ўз соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган устозимиз, забардаст олим, ўз касбининг ҳақиқий билимдони, профессор Жамол Жалолович Жалолов бу йил 80 ёшда тўлди. Шу муносабат билан устозимизни ушбу қутлуғ ёши билан бутун жамоамиз ва шогирдлар номидан муборакбод этамиз. Устозга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ва севган касбидан ҳамиша ҳузур ва ҳаловат топиб яшашларини тилаймиз.

К. Н. КАРАЕВА,
ЎзДЖТУ, замонавий педагогик
технологиялар кафедраси доценти, п.ф.н.